2009 йил 23 июль, пайшанба



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ  № 144 (11.455)  Баҳоси эркин нархда




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»*

## ХАЛҚ ДИДИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТОШКЕНТ 2200

**Мустақиллик байрами бу йил ўзгача руҳ ва кўтаринкилик билан нишонланади. Чунки истиқлол шодиёналарига узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга гўзал ва замонавий пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи уланиб кетади.**






Шарқ дарвозаси деб таъриф берилган Тошкент азал-азалдан ўзининг гўзал табиати, мўътадил об-ҳавосию сўлим боғ-роғлари билан дунё аҳли эътиборини ўзига тортиб келади.

Европа ва Осиё мамлакатларининг ўзаро алоқаларида Тошкент ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Шу боис ҳудудда карвонсарой ва работлар қадимдан ривожланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзаро мол айрибошлаш, савдо-сотиқни амалга ошириш учун ҳар томонлама қулай табиий муҳит ва шарт-шароитга эга шаҳар VI-VIII асрларда айниқса равнақ топган. Археологик қазишмаларда топилган ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари бу ерда юксак маданият бўлганидан далолат беради. Шаҳардаги сарой ва ибодатхоналар, ички ва ташқи работлар ҳар куни тўхтаб ўтадиган минглаб савдогар ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатган.

Тарихий тараққиёт силсиласида Тошкент шаҳрида аҳолининг маданий ва маиший шароити ўсиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши, сайёҳ ва ишбилармонларнинг кўпайиши ҳисобига меҳмонларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ўзгариб борди. Карвонсаройлар, работлар ўрнини меҳмонхоналар эгаллади. Хусусан, 1905 йилда Ўрта Осиёдаги дастлабки меҳмонхона – “Националь” айнан Тошкент шаҳрида бунёд этилди. Шаҳар тараққий этгани сари бу ерда қатор меҳмонхоналар қад ростлади.

Бугун Тошкент дунёнинг улкан замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга, ривожланган шаҳарлари қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга. Шаҳарга ҳар куни минглаб хорижий сайёҳлар, ишбилармон доиралар вакиллари келиб-кетиши, турли халқаро анжуманларнинг мунтазам ўтказилиши шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий салоҳиятини ёрқин намоён этмоқда. Хусусан, Тошкент олий даражадаги учрашувлар, тинчлик ва дўстлик келишувлари, халқаро саммитларга мезбонлик қилиш борасида дунёдаги энг машҳур шаҳарлар қаторида туради.

Пойтахтимизда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида меҳмонларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсата оладиган, хорижий делегацияларни қабул қилиш ва уларга юксак даражада шарт-шароит яратиш имкониятига эга меҳмонхоналар қад ростлади. Мавжуд меҳмонхоналар замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида тубдан реконструкция қилинди. Мисол учун мустақиллик йилларигача Ўзбекистонда бирорта ҳам беш юлдузли меҳмонхона бўлмаган. Бугунги кунда пойтахтимизда жойлашган олтмишга яқин меҳмонхонанинг 39 таси халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга. Уларнинг кўпчилиги уч, тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналардир. Жумладан, “Intercontinental-Tashkent”, “O‘zbekiston”, “Tashkent Palace”, “Le Grand Plaza”, “Markaziy”, “Dedeman Silk Road”, “Grand Mir”, “Radisson SAS Tashkent” каби отеллар ҳар қандай диди нозик меҳмонга юксак даражада хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Истиқлол туфайли халқаро андозалар асосида тубдан реконструкция қилинган, жаҳон стандартлари бўйича тўрт юлдуз мақомига эга бўлган “Tashkent Palace” (собиқ «Тошкент») меҳмонхонасида яратилган қулай шароит, юқори дид билан безатилган шинам хоналар, доимий мўътадил ҳаво ҳар қандай кишига манзур бўлади. Меҳмонхонада мижознинг хоҳишига кўра оддий ёки энг юқори қулайлик даражасидаги хоналар таклиф этилади.

– Тошкентнинг хушманзара табиати, мўътадил об-ҳавоси ва хуштаъм суви мени лол қолдиради, – дейди “Tashkent Palace” меҳмонхонасида яшаб турган англиялик Кристофер Донован. – Шу боис орадан ўн беш йил ўтиб, иккинчи марта бу шаҳарга саёҳат қилдим. Тўғриси, шаҳардаги бундай улкан ўзгаришларни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Замонавий меъморлик асосида қурилган бино ва иншоотлар, сўлим ва баҳаво масканлар кўплиги таҳсинга лойиқ. Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш бутунлай ўзгаргани, янги меҳмонхоналар барпо этилгани жуда қувонарли. Ҳозир мен яшаётган “Tashkent Palace” меҳмонхонасида кўрсатилаётган хизмат жаҳоннинг энг машҳур шаҳарларидагидан қолишмайди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Тошкентда 20-21 июль кунлари «Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва Европа халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Ҳиндистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Қувайт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг асосий йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

Форум иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида Ўзбекистон шароитида амалда синалган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг “ўзбек модели” республикамизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришни таъминлаётганини алоҳида қайд этилди. Мамлакатни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ушбу модели, унинг машҳур асосий беш тамойили ўзининг муҳимлиги ва истиқболли эканини амалда исботлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ўзига хос тажрибаси халқаро экспертлар ва сиёсий доиралар эътиборини янада кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 2009 йил 29-30 июль кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ҳамда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади.**

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхона-ташкилотларнинг 21243 та бўш иш ўринлари таклиф қилинади. Жумладан, энг кўп учрайдиган касблар ва лавозимлар кесимида — 9957 та, туман ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун — 3532 та квота, фаолиятини бошлаган янги корхоналардан — 7754 та иш жойлари тавсия этилмоқда.

**Ярмаркада 225 та корхона бевосита бўш иш жойлари билан иштирок этади ва унда қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари таклиф қилинади:**

— шифокор ва ҳамшира — 875 та
— муҳандис — 401 та
— тикувчи-бичувчи-йигирувчи — 338 та
— ўқитувчи-педагог — 108 та
— чилангар, электр-газпайвандчи — 121 та
— электрмонтажчи —118 та
— иқтисодчи-ҳисобчи — 112 та
— қурувчи — 107 та
— механик — 85 та
— ҳайдовчи — 936 та

**Ташкилий қўмита**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Халқаро обидаларни қўриқлаш кунига бағишлаб бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Хивадаги тарихий обидалар» деб номланди.

✓ **204-МАКТАБ** қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Соғ танда — соғлом ақл» йўналишида спортнинг у-шу, югуриш, стол тенниси турлари бўйича уюштирилган мусобақаларда болажонлар ўзаро беллашишди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча Миллий матбуот марказида республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси йўлида олиб борилаётган амалий чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз борди.**

● **Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ғаллакорларимизнинг меҳнат зафарларига бағишланган «Ҳосил байрамлари» қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари томонидан шодиёна сифатида кенг нишонланмоқда. Шундай байрамлар жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида тантанали равишда бўлиб ўтди. Байрам тадбирлари доирасида мўл ҳосил яратган фермерлар, сувчи ва механизаторларга қимматбаҳо совғалар топширилди.**

● **Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси — IATA «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясиниг IOSA (IATA Operational Safety Audit — IATA эксплуатация хавфсизлиги аудити) операторлари рўйхатига киритилганлигини расман тасдиқлади.**

● **Марғилон шаҳридаги «Турон» маҳалла фуқаролар йиғинида минг тонна кубометр сув сиғимига эга чўмилиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Ушбу сув ҳавзаси хусусий тадбиркор Мавлуда Кенжабоеванинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилди.**

● **Қаршида соҳил футболи бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Чемпионат натижаларига кўра эркаклар ўртасида Тошкентнинг «Бодомзор» жамоаси олтин нишонларни қўлга киритган бўлса, аёллар баҳсида Қаршининг «Севинч» командасига тенг келадиганлар топилмади.**

● **Гулистонда Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман кўрикларида ғолиб чиққан 26 нафар иқтидорли санъаткорлар ўзаро баҳс юритишди.**

● **Самарқанд Давлат университети олимлари Ўзбекистон шароитида гречиха етиштириш технологиясини ишлаб чиқишди. Олимлар минтақанинг иқлим шароити ва экиннинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, гречихани бир йилда икки маротаба экиб, гектарига 18, 20 центнергача ҳосил олиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар.**

### ЖАҲОНДА

● **Қирғизистонда Президент сайловлари бўлиб ўтмоқда.**

● **АҚШ Президенти Барак Обама маъмурияти молиявий жиҳатдан мувофиқлаштириш бўйича ислоҳотлар лойиҳасини Конгрессга киритди.**

● **Хитойнинг Таонань полигонида Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ҳарбийлари иштирокида ҳамкорликда ўтказилаётган «Тинчлик миссияси—2009» машқларининг иккинчи босқичи бошланди.**

● **Белоруссия Ташқи ишлар вазирлиги Абхазия ва Жанубий Осетияга бораётган ўз фуқароларига Грузия қонунларига риоя қилишни тавсия этди.**

● **Ўтган бир кеча-кундуз давомида Курил ороллари ва Камчаткада тўрт бор зилзила содир бўлди.**

● **Кеча Афғонистоннинг Гардез ва Жалолобод шаҳарларида амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида олти киши ҳаётдан кўз юмган. Мазкур қўпорувчиликлар ортида «Толибон» жангарилар гуруҳи тургани маълум қилинган.**

● **Германиянинг Қуйи Саксония федерал еридаги йўллардан бирида йирик автоҳалокат содир бўлди. 259 та автомашина иштирокидаги автоҳалокат натижасида 66 киши тан жароҳати олган бўлиб, улардан 10 нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда. Кучли ёмғир туфайли рўй берган йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 30 километр узунликда тирбандлик юзага келган ва автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолган.**

● **Кеча Тбилисидаги давлат филармонияси олдида мамлакатда демократия ўрнатилишини талаб қилган ҳолда кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.**

● **Кеча Бразилиянинг шимоли-шарқий ҳудудида йўловчи автобусининг кўприкдан қулаб тушиши натижасида 8 киши ҳалок бўлган.**

● **Ўқув-машқ йиғинлари давомида снарядларнинг отилиши натижасида Франциянинг Марсель шаҳри атрофида кучли ёнғин юзага келган. Шамолнинг кучли эсиши туфайли ёнғин ён-атрофга тезлик билан тарқалиб бормоқда ва уни бартараф этишнинг иложи бўлмаяпти.**




# ХАЛҚ ДИДИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

– Ўзбекистон – Буюк Ипак йўлидаги орзулар мамлакати, – дейди япониялик Вака-та Иосики. – Мустақиллик туфайли мамлакатингиз, жумладан дунёга танилган шаҳарларингиз ўзининг юксак салоҳиятини янада оширмоқда. Шаҳарларнинг юбилейини ўтказиш учун у шунга муносиб бўлиши зарур. Шу маънода Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент каби қадимий шаҳарларингиз ана шундай салоҳиятга эга. Тошкентга биринчи бор келишим. Шаҳарнинг ҳар бир ҳудуди яхлит тарзда алоҳида ансамблни ташкил этгани мени лол қолдирди. Меҳмонхоналар нафақат кўркамлиги, ўзига хос ва бир-бирини такрорламайдиган меъморлик анъаналари, балки ён атрофидаги бино ва иншоотларга уйғунлиги, қулай жойлашуви билан шаҳарнинг умумий қиёфасида алоҳида ўрин тутади.

Меҳмонхона – отелларнинг дунё миқёсида тан олинган халқаро тармоғи мавжуд. Дунёдаги машҳур меҳмонхона тармоқлари – “Intercontinental”, “Dedeman”, “Radisson” белгиси остида хизмат кўрсатувчи отеллар дунёнинг энг ривожланган шаҳарларида фаолият кўрсатади. Пойтахтимиздаги “Intercontinental-Tashkent”, “Dedeman Silk Road”, “Radisson SAS Tashkent” отеллари ана шулар сирасига киради. Ушбу меҳмонхоналар бир неча йиллардан буён бу савдо белгиси мижозларининг ишончини тўла қозониб келмоқда.

Шарқ ва Ғарб меъморлик анъанасини ўзида мужассам этган, Марказий Осиё минтақасида энг мураккаб меъморий ечимга эга бинолардан бири бўлган “O‘zbekiston” меҳмонхонаси Тошкент қиёфасида алоҳида ўрин тутади. Меҳмонлар бу ерда юқори сифатли сервис хизматларидан баҳраманд бўлади.

– “O‘zbekiston” меҳмонхонаси деразасидан қараб, яшил шаҳарнинг гўзал қиёфасига мафтун бўлиб қолдим, – дейди франциялик сайёҳ Сильвия де Брэ. – Тошкентдек катта мегаполисда экологик мувозанатнинг таъминланиши, яшилликни сақлаш катта меҳнатни талаб этади. Шаҳарда ҳавонинг тозалик даражаси юқори. Тошкент нафақат 2200 йиллик тарихи, балки гўзал қиёфаси ва замонавий меҳмонхоналари билан ҳам эътиборга молик.

Дунё миқёсида якка тартибда саёҳат қилишнинг кўпайиши шинам ва ихчам хусусий меҳмонхоналар тармоғи ривожини талаб этаётир. Пойтахтимизда ҳам хусусий меҳмонхоналар тармоғининг тобора ривожланаётгани мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг изчил тараққий этишига хизмат қилмоқда. Ихчам ва қулай меҳмонхоналарда мижозлар учун тарихий масканларга, табиат қўйнига саёҳатлар ташкил қилиш каби хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизга сайёҳлар ва хорижий меҳмонлар оқимининг йилдан-йил ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларга қараганда, охирги йилларда мамлакатимизга хориждан ташриф буюрувчилар сони қарийб 60 фоизга ошган.

Тошкентда бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро сайёҳлик ярмаркаси кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга мамлакатимизнинг жаҳон туризм бозоридаги юқори салоҳиятидан далолат. Юртимизга Америка, Осиё, Европа мамлакатларидан сайёҳларнинг келиши кўпаймоқда.

Шу йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган «МИТФ – 2009. Сайёҳлик ва ҳордиқ» ярмаркасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти иштирокчилар ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

– Бундан ўн йиллар аввал Ўзбекистонга саёҳатни ташкил этишда меҳмонхона танлаш билан боғлиқ муаммога дуч келар эдик, – дейди “A&A” сайёҳлик агентлиги бош менежери Александр Федосов. – Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида вазият мутлақо бошқача. МДҲдаги йирик шаҳарларнинг ҳаммаси ҳам аъло даражадаги кичик, шинам отеллардан тортиб, то тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар мажмуига эгалиги билан мақтана олмайди. Бундан ташқари меҳмонхоналарда ва умуман сайёҳлик хизматлари учун белгиланган нархлар барча учун жуда қулайлиги мамлакатингизда сайёҳликни жадал ривожлантиришда муҳим асос бўлади.

Мамлакатимизда меҳмонхона бизнеси ва сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ҳам ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунда ушбу соҳада 20 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида жойлашган туризм йўналишидаги коллежлар ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Меҳмон кутиш ва унга иззат-икром кўрсатиш халқимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Хонадон эгасининг дид-фаросати, озодалиги унинг остонасидан маълум бўлгани каби бирор-бир халқнинг маданиятини, меҳмоннавозлигини билишда меҳмонхоналар ҳам муҳим роль ўйнайди. Пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар халқимизнинг ана шу фазилатини алоҳида эътироф этдилар.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**ЎзА олган сурат**



# УЛУҒ САЛТАНАТ

***(Тетралогиянинг “Мироншоҳ Мирзо” номли учинчи китобидан айрим боблар)***

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

***(Давоми. Боши ўтган сонларда).***

*Соғинч бика ўзини ожизаларнинг эркаклардан кам эмасликларини, довюрак ва мардликларини амалда исбот қилишга бел боғлаган қизлардан деб ҳисобларди, онаси Оппоғойим маъқуллаганидан кейин, падари бузрукворига ҳарб майдони сирларини ўрганмоқчи эканини айтди. Ота бу ишни ўзининг дўсти моҳир жангчи Амир Аллоҳдодга топширди. Иттифоқо, Амир Аллоҳдоднинг ҳам қизи йўқ эди, шу важдан Соғинч бикага ўз жигарбандидай қаради. Шаддод қиз қўймаганидан кейин, Кўксаройнинг биринчи ошёнасида қурол-аслаҳа, совутлар ясаларди, лекин у ерга боришга тортинди-ю қуролсозлар қишлоғи Камонгароннинг ўзида, яхши устага махсус совуту дубулға, камон, букилмас пўлатдан қалқон буюртириб келди. Кейин бошқа қизлар ҳам ундан гула кўтариб, Камонгаронга одам юбора бошладилар.*

*Аслида, заифа-ю ожизаларнинг ҳам қилич тутишни, от минишни ўрганишлари жуда кераклигини Жаҳоншоҳ ибн Жоку ичида қўллаб-қувватларди, чунки жанг-жадалларда турли ҳолатлар рўй беради, уғрукдаги аёллар лозим топилса, ўзларини ўзлари ҳимоя қила олишлари зарур, гоҳида эса жангга ҳам кирадилар. Амир соҳибқирон лашкарга уч хил — оқ, қора ва қизил рангларда кийимлар тиктирадилар. Бунинг сабаби, танг аҳволларда уғрукдаги аёллар ҳам бу кийимларга чулғанадилар ва лашкар чўғини оширадилар, душман кўнглига эса қўрқув тушади.*

*— Соғинч бикада аллақандай шиддат бор, Жаҳоншоҳ жаноблари... – Амир Аллоҳдод жилмайди.. – Уни баҳодир қиз дейиш керак. Қайтмас, қўрқмас... бутун юриш-туришида отасининг шижоати намоён!*

*— Соғиниб топганимизданмикин, дўстим... – ўйланиб деди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. – Умрини берсун....*

*Қизи олти-етти яшар вақтида шаклар маликаси Тўмарис момо қиссаси ва бошқа эртагу чўпчакларни чиройли кўзларини катта-катта очиб, ютоқиб тинглаганлари Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг эсида. Бир куни муҳтарама Улжой Туркон оқанинг Темурбек ортидан кун демай, тун демай жангларда от йўрттириб юрганларини эслаб қолди.*

*— Ўша Улжой Туркон оқа момо ҳақида гапириб берингиз, отажон! – қистаб қўймади қиз.*

*— Бағоят ҳурматга сазовор жасур аёлдур! Жанг-жадалларда, сафару саёҳатларда ҳамиша соҳибқирон ёнида юрғон, аччиқ-чучугига доим шерик, жуда мард ва шаддод аёл эди! Амир Жоку барлос бобонг шоҳид бўлган эканлар, танг аҳволда Хоразмдан қайтаётганларида, дегин, орқаларидан душман қувиб келаётганмиш, олдинда эса Жайхун.... Амир соҳибқирон Улжой Туркон оқага қараб: “Изимдан от сол!” деб қичқирибди ва дарё устига от қўйибди!..*

*— Улжой момо-чи?.. – сабри чидамай сўради Соғинч бика. – Қўрқмабдиму?..*

*— Қаёқда! Улжой ойим эркаклардай Жайҳунга от солиб ўтиб кетибди! Кейин-чи, душман қўлига тушмай деб, қудуққа яшириниб жон сақлабди!*

*— Қандай танишғон эканлар?*

*— Улжой ойим қизлик вақтида бошига бўрк кийиб, ҳалқа-ҳалқа сочларини элдан яшириб, йигитчасига кийиниб ғазот узра юрар эркан...*

*— Йигитчасига кийиниб олган эканми? – сўради қиз.*

*— Ҳа, бировга билдирмаслик учун, йигитча кийинаркан. Шундай жанглардан бирида, соҳибқирон қарасалар, душманлардан бир баҳодир ҳеч кимга омонлик бермайдур. Йигирма уч ёшли Темурбек рўбарў бўладур. Улжой ойим: “Қадим паҳлавонлардек масоф[1] қилурбиз. Ўқ отиш йўқ, тақи ўзгаларга тегмасун, гуноҳга ботиб юрмайлук. Найзангни ол!” — буюрадур беписандлик билан. “Маъқул!” дейдир Темурбек. У қизнинг найзасини бир ҳамлада синдурадур. Бундан кўнгли олинган қизнинг аччиқда солғон қиличи совутдан ўтиб, амир елкасини сал яралайдур. Энди соҳибқирон қиличини яраклатадур, бошидан бир-икки айлантирадур-да, аммо урмасдан туширадур... Улжой ойим сўрайдир: “Нечун урмадинг?” Соҳибқирон шивирлаб айтадур: “Сен авратдаги қизсен. Қилич тегса, сочинг ёйилиб кетишидан орландим. Ундан ҳам оғирроғи: эрларнинг яроғи заифалар қони бирлан бўялмағай!..”[2] Кейин қиличларни ташлаб курашадурлар. Охири, Улжой ойим ёш шаддод амирнинг ўткир зеҳну идрокига, фаҳму фасоҳати, куч-қувватига тан бериб, қўлини ўпиб, дейдир: “Ўзимни сендай мардга бағишладум!” Темурбек жавоб этибдур: ”Уйингга борғил, сени тўй-томоша бирлан олурмен!...” Бизлар бола эдик, Улжой ойимнинг мардлигига қойил қолиб юрғонмиз. Тўйларини кўрғонмен. Эҳ-ҳе... Шаддод Султон Бахт бегимни биласен-а, ана ўша, онасига тортғон...*

*Жаҳоншоҳ ибн Жоку тин олди ва хаёлидан:”Қизинг бўлса шундай бўлса! Балки Соғинч бика ҳам ўша оқага ҳавасдан дунёга келғондир...” — деган ўй кечди. Албатта, бу ёлғиз Оллоҳга аён.*

*Рост, соҳибқирон лашкарида аёллар ҳам баъзан саваш қурадилар. Лекин Жаҳоншоҳ ибн Жоку заифаларнинг расмана жангчи бўлишларига қарши. Жанг – эрлар иши. Нафсиламирини айтганда, Амир Темур саройида жами маликалар ҳарб сирларини, от минишни, қилич тутишни астойдил ўрганадилар, машқини оладилар. Ожизаларга чавгон ўйини жуда ярашади. Бунда ҳам отни бошқариш, ҳам чавгонни маҳкам тутиш ҳавоси олинади, бахш этган завқнинг эса баҳоси йўқ, диллар яйрайди... Инчунин, маликалар орасида чавгоннинг қадри баланд.*

*Ўша-ўша Соғинч бика хаёлидан йигитчасига кийиниб олган Улжой ойим сиймоси кетмайди. Унинг қўрқмай соҳибқирон билан найзабозликка киришгани, қиличбозлик қилгани, кураш тушгани қизни ҳайратга солади. Жангнинг оғир паллаларида, танг шароитларда кўзлари чақнаб соҳибқиронга кўмакка шошилаётган маликани ўйлар, руҳланар, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўрарди... Жангларнинг бирида Амир Ҳусайннинг отига ўқ тегибди. Шунда унинг завжаси Дилшод оқа ўзи пиёда қолиб, от жиловини амирга тутқазибди... Соғинч бика барини жасорат намуналари ҳисоблар, ёш дили қанотланар, завқи тошган паллаларда, сўзлаб онаси билан канизак Сарвинозларни ҳам баҳраманд айларди.*

*Жаҳоншоҳ ибн Жоку қизининг тутумидан таажжубга тушмасди, фақат Соғинч биканинг ҳарбий юришларга, савашишларга қизиқиши, қилич тутиш, жанг русумини ўрганишга интилиши кучли эканлигини ўйлаб, ичида нимадандир қўрқарди. Қизи қиличбозликда, ажабо, ўғилларидан ҳам моҳирроқ чиқди. Икки яшар эканлигида ким биландир жанжаллашиб, муштчасини кўрсатганини ҳали ҳануз кулиб эслашади.*

***(Давоми газетанинг келгуси сонида)***

[1] Бу ерда: жанг қилурмиз маъносида.

[2] Соҳибқироннинг сўзларини мана бундай ҳам талқин қиладилар: “...Асил эрнинг яроғи фақат висол айёмидагина заифа қонини тўкадур...”

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда одам савдоси бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир. Унинг олдини олиш мақсадида одам савдосига имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, асосан аҳолининг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Шу боис, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори республикада одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳамкорликда самарали ташкиллаштириш Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаси эканлигига қаратилди.

Шу билан бирга, йиғилишда жойларда одам савдоси жиноятларига қарши курашишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди. Йиғилишда юқорида айтиб ўтилган ҳудудий идоралараро комиссия раисларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Идоралараро комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги тадбирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг қарори ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси**

# ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида тизимли ҳамда изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида самарали фаолият кўрсатадиган мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш тизими, хусусан, мустақил парламент, суд тизими ташкил этилганини таъкидладилар. Амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўёбга чиқариш борасида қўлга киритган ютуқларидан далолатдир. Ўзбекистонда жойларда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг кўламли ваколатларга эга бўлмоқда, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Мамлакатимизда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчиларининг маърузa ва чиқишларида сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланаётгани мамлакатни тараққий эттириш бўйича танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини исботлагани қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилаётган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ва ижтимоий дастурларда кўзда тутилган тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизга глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал секторини жадал ва мувозанатли ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш имконини беради.

Форумда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалашга хизмат қилиши таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва у муваффақиятли ҳал этилди. Жиноий жазолар тизимини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини босқичма-босқич ҳамда изчил эркинлаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, “Хабеас корпус” институти фаол жорий этилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари устунлигини, уларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Қуйида халқаро давра суҳбати чет эллик иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларидан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

**Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):** “Ўзбекистонни демократик янгилаш йўналишида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солди. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатингиз кўплаб ютуқларга эришди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг демократик қадриятлар ва принциплар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Демократия концепция сифатида турли босқичли ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу борада ҳеч ким бир хил поғонада турмайди ва ҳеч ким ушбу йўлдан бир хил суръатда олдинга ҳаракат қилолмайди. Энг муҳими, барчамиз битта йўналишда ҳаракат қиляпмиз. Халқаро амалиёт сайловларни шунчаки ўтказиш демократия эмаслигини кўрсатди. Демократик ривожланиш муайян мамлакатлар тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини ҳисобга олиши лозим. Барча мамлакатларнинг бир хил демократик модель бўйича ривожланишини кутиш мантиққа зид”.

**“Минтақавий мулоқот” нодавлат ташкилоти директори Мьюша Север (Словения):** “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат қурилиши, иқтисодиёт соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатингизнинг, биринчи навбатда, ўлим жазосини бекор қилиш, Жиноят кодексини эркинлаштириш борасидаги ютуқлари кўпгина мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистон катта салоҳиятга эга ва сиёсий барқарорлиги, кучли давлатчилиги, аҳолисининг ёшлиги ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги ҳамда ривожланган инфратузилмага эгалиги туфайли минтақадаги етакчи давлат ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жумладан, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мактаб дастурларидан жой олди, унинг амалга оширилиши эса давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Парламентнинг ролини кучайтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Давлат ва нодавлат ташкилотлар айни пайтда биргаликда ишлаш зарурлигини тушунади. Ўзбекистон модели сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин”.

**Детлав Краа, “Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш” бирлашмаси раҳбари** : “Ўзбекистонда сиёсий партиялар тобора фаоллашаётгани кўзга ташланмоқда. Улар ўртасида кузатилаётган очиқ баҳслар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Булар бўлажак сайловлар ва парламент фаолиятининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш имконини беради”. Шунингдек, эксперт таъкидладики, “тадрижий ислоҳотларнинг муваффақиятли сиёсати Ўзбекистонга иқтисодий талатўплардан қочиш, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш имконини берди. Мамлакатингизда амалга оширилаётган оқилона ва мувозанатли иқтисодий сиёсат туфайли жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсатгани йўқ. Давлат бош ислоҳотчи этиб белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ қилиш тамойили ўзини тўла оқлади. Жаҳонда юзага келаётган давлат ва унинг тузилмалари молиявий инқирозга қарши туришга қодир ягона кучга айланган вазият танловнинг тўғрилигидан далолат беради. Давлат бош ислоҳотчи сифатида замонавий фуқаролик жамияти барпо этиш учун ҳам масъулдир. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизация қилишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган. Бу борада иқтисодиётни диверсификация қилиш ва саноатни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда”. Унинг сўзларига кўра, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. “Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада кенг эътироф этилмоқда. Бугун бутун жаҳон янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга интилмоқда”, деди эксперт.

**Баҳром Амираҳмадиён, Теҳрон университети ўқитувчиси, Россия, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш бўйича “ИРАС” марказининг илмий кенгаши аъзоси:** “2007 йили Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этган эди. Бу сайлов жараёнининг ошкоралигидан далолат беради. Сайлов барча жойда тўғри ўтказилди, фуқаролик жамияти институтлари вилоятларда фаол ишлади. Ўзбекистон ислом динининг маданий пойтахтидир. Бугунги кунда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг кўплаб ижобий натижалари кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон миллий ҳамжиҳатлиги, ўзига хослиги билан минтақадаги энг кучли ва илғор мамлакатга айланишга қодир. Ўзбекистонда одамлар ўз давлат раҳбари ва ҳукуматига ишонади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ва ҳукумат ўртасидаги мустаҳкам ишончдан далолатдир. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз авж олганига қарамай, давлатингиз нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишига, балки унинг юқори ва муттасил ўсиш суръатларини таъминлашга эришди”.

**Антон Финько, Киев сиёсий тадқиқотлар ва конфликтология марказининг етакчи эксперти (Украина):** “Ўзбекистонда профессионал парламентга, пухта ташкил этилган кўп партияли тизимга ўтиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Айнан партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Олий Мажлис қуйи палатасига сайловлар тўғрисидаги қонунга киритилган охирги ўзгартиришлар ҳам бундан далолат беради. Шу тариқа, энди ташаббускор гуруҳлар эмас, балки фақат партиялар сайловларда иштирок этади. Менимча, бу ижобий ҳолат, негаки сиёсий тизимнинг ташкилий даражаси партия таркибий қисмининг кучига боғлиқ. Қонунчиликда парламентдаги кўпчилик институти ҳуқуқий мустаҳкамланган ва мухолифат ҳуқуқлари белгиланган. Парламент фракцияларининг вазифалари қайд этилган. Ошкораликка асосланган сиёсат воситаларини мустаҳкамлаш демократик жараённи ривожлантиришни рағбатлантиради. Сиёсий партиялар эса уларнинг энг муҳимидир”.

**Гулшан Сачдева, Ж.Неру номидаги университет профессори, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича эксперт (Ҳиндистон):** “Ўзбекистон сўнгги 10-15 йил мобайнида демократлаштириш борасида улкан тараққиётга эришди. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда ўтказилган сайловлар шуни кўрсатдики, аҳоли сайловлар жараёни, сайловларда фаол иштирок этишдан кўриладиган манфаат ҳақида янада кенгроқ хабардор бўлмоқда. Бу борада аҳолининг фаоллиги кўзга ташланаётгани сайлов жараёнини таъминлаш учун асосий платформа ҳисобланади”.

**Жералд Лофтус, Европа халқаро муносабатлар институти вакили:** “Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китоби билан яқиндан танишиб чиқдим. Ундаги чуқур таҳлилни алоҳида таъкидлашни истайман. Ишончим комилки, китобда глобал инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича баён этилган стратегия кўплаб мамлакатлар учун фойдали бўлади. Айниқса, “Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ғоя жуда фойдали, деб ўйлайман. Қитъаларни боғлаб турувчи жуда қизиқарли ўхшашлик бор. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов “энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ”лигини ва “ўтиш даврида давлатнинг ислоҳотчилик роли”ни таъкидлайди. Францияда Президент Николя Саркози “банклар иқтисодий ўсишни молиялаш ўрнига чайқовчилик билан шуғулланаётганидан” ташвишда. У “XXI аср иқтисодиётини XX аср воситалари билан бошқаришни давом эттириш” мумкин эмаслигини қайд этади. Америкада АҚШ Президенти Барак Обаманинг сўзларига қараганда, ҳукумат фаолияти самарадорлиги ҳақидаги масалани қўйиш муҳимдир. Бизнинг раҳбарларимиз барча жойда “янги уй” учун пойдевор қўйишда иштирок этмоқда ва айни пайтда бугун биз яшаётган уйларнинг дарз кетган жойларини асл ҳолига келтирмоқда.

Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши нафақат бугунги инқирозни бартараф этишни таъминлайди, балки келгусида иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда эркинлаштиришга хизмат қилади”.

**Детлеф Зиммерманн, Британия — Ўзбекистон жамияти ижроия кенгаши аъзоси:** “Иқтисодчи сифатида Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини алоҳида таъкидламоқчиман. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонда ҳатто, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам, юқори иқтисодий ўсишнинг таъминланиши мамлакатингиз иқтисодий сиёсати тўғрилигини исботлайди. Ўзбекистонда миллий манфаатларга мос иқтисодий сиёсат амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ўз молиявий манбалари ва ресурсларига таяниб иш кўрмоқда. Негаки, бу мамлакатингизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Бундай оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда барқарор иқтисодий юксалиш кузатилмоқда”.

**Сюй Сяотянь, Замонавий халқаро муносабатлар академияси Марказий Осиё бўлимининг етакчи илмий ходими (ХХР):** “Глобаллашув даврида замонавий саноат асосан ривожланган ва қулай транспорт-коммуникация инфратузилмаси мавжуд минтақаларда жойлашган. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт ҳудудида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Бу ерда жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу, шак-шубҳасиз, саноатни модернизация қилишга катта ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш бутун минтақани иқтисодий ривожлантириш моделига айланишига ишончим комил”.

**Манабу Шимизу, Тейке университети иқтисодиёт факультети профессори (Япония):** “Дунёнинг кўплаб давлатлари тўқнаш келган энг мураккаб муаммо – бу мамлакатга қисқа муддат асосида кирадиган капиталлар оқимини давлат томонидан тегишли равишда назорат қилишни таъминлаш билан боғлиқ. Ўзбекистон ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга оид сиёсат, Ўзбекистон танлаган иқтисодий ва сиёсий модель қисқа муддат ичида ўзининг самараларини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу, аввало, янги корхоналар ташкил этиш, бизнес билан шуғулланиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр ёшлар онгидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Айнан шу омиллар келгусида иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради”.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро майдонда янада кенг эътироф этилаётганини алоҳида таъкидладилар. Муҳими, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган туб ўзгаришлар самаралари фуқароларнинг кундалик ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Экспертлар ўзгармас қадриятлар — инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар марказида бўлгани ва ҳамиша шундай бўлиб қолишини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодий ислоҳотларга оид ноёб тажрибасини ўрганиш бўйича бошланган мулоқотни келгусида ҳам давом эттириш истагини билдирдилар.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

